

# Шаръий рухсатларни ахтариб топиб, амал қилувчининг ҳукми

05:00 / 19.01.2017 3264

**Савол. Шаръий рухсатларни ахтариб топиб, амал қилишни ўзининг мазҳаби қилиб олган кимсанинг ҳукми нима? У бидъатчими ёки йўқми?**

**Унга жавоб.** Шаръий рухсат берувчи ҳукмларни излаб, сўраб юравериш агар нафси ҳаво учун бўладиган бўлса, би-л-ижмоъ ҳаромдир! Масалан, ҳанафий ўйин-кулги мақсадида шатранж ҳукми борасида шофиъий мазҳабини ихтиёр инбидъатчи бўлмайди. Лекин, бундай ишлардан авомларни ман қилиш керак бўлади. Тақводор олимларга эса, айтганимиздек, танглик йўқ. Чунончи, Баҳр ал-улум "Мусаллам ас-субут"нинг шарҳида, Шоҳ Валийуллоҳ муҳаддис Деҳлавий "Изолат ал-хафоъан хилофат ал-хулафо" асарида келтирадилар:

رسى نىدلانا ملس و هل آىلع و هىلع هللىلى صهلل لوسر لاق حىباصملى رىمىمى نىوعبلل ركذ و اورشبا و اوبراق و اودس ف هبلغ الل دى نىدلانى اشى نل و امف نىعبس نم رثك ملس و هىلع هللىلى صهلل لوسر باحصا نم تكردا لاق فى كىغلب ذال لاق هنا ميهاربا نى و مهنم دىدشت لقا ال و ىرس نوهاموق تىأر ذىف نىدلانى فى كىلغ فلخا اذا بىعشلل لاق و امهرسى ذىف نارما مالىسالى مكب هللىل دىرى لوقى لىلعات هللىل نال قحلىلى امهبرقا امهرسى ناف امهرسى رسىللى رسىللى مكب دىرى ال و رسىللى

"Масобех"да келган: Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва ъало олиҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилганлар: "Албатта дин осондир. Динни хоҳлаган инсонга албатта у ғалаба қилади. Шунинг учун, мустаҳкам бўлинглар, яқинлашиб боринглар, башоратли бўлинглар!". Ал-Бағавий Умайрдан зикр қилган: "Мен Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг асҳобларидан етмиш нафардан кўпроғини кўрганман. Улардан кўра сийрати осонроқ, машаққати озроқ гуруҳларни кўрмадим".

Иброҳимдан ривоят, у бундай деган: "Сенга исломда икки иш келса, улардан осонроғини олгин!".

Аш-Шаъбий айтиди: "Динда сенга бирорта ихтилоф келса, улардан осонроғини олгин! Чунки, уларнинг осонроғи ҳақиқатга яқинроғидир. Зотан, Аллоҳ таоло айтиди: "Аллоҳ сизларга осонликни ирода қилади,

сизга оғирликни ирода қилмайди".

Ушбу далиллардан аниқ тушунарли бўлдики, Қуръон ва машҳур ҳадис, салафларнинг ижмоъси, равшан қиёс каби ҳужжатларга мухолиф бўлмаганда тўрт мазҳабнинг рухсатларини ишлатиш яхшидир. Бунга мутааххирин фуқоҳолар хилоф бўлиб, уларнинг айримлари бу ишни фосиқликка нисбат қилганлар. Тамом.

"Мусаллам"да ва унинг Валийуллоҳ Лакнавий томонидан ёзилган шарҳида келишича, инсонга ўзи тақлид қилмаётган мазҳабига тобеъ бўлиши жоиз бўлади. Чунончи, бу Ибн ал-Ҳумомнинг ихтиёр қилганидир: муайян бир мазҳабга тақлид қилиш шаръан вожиб эмас. Мазҳабларнинг рухсатларига тобеълик қилиш, яъни мазҳаблардан осонроғини олиш жоиздир. Бирорта шаръий монеълик уни ман қила олмайди. Чунки, инсон ўз мазҳабида осонроғига мухолиф бўлган, лекин ўзига енгилроқ маслакни ушлаб, осонроқ йўлга юриши табиий ҳол. Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳам саҳобаларга осонроқ ишларни буюрар эдилар. Ибн Абдулбардан нақл қилинганки, омига рухсатларга эргашиши ижмоъ билан жоиз бўлмайди. Ушбу фикрга жавобан "ат-Тайсир шарҳ ат-Таҳрир"да мазкур нақлнинг тўғри бўлмаслигини айтиб ўтган. Агар тўғри десак ҳам ижмоъ даъвосини тўғри дея олмаймиз. Чунки, рухсатларга эргашишнинг фосиқлик бўлиши ҳақида Имом Аҳмаддан икки хил ривоят етиб келган. Демак, бу қандай қилиб ижмоъ бўла олади? Айрим уламолар фосиқлик бўлиши ҳақидаги ривоятни ўйин-кулгу ва нафсу ҳавони қасд қилиб, рухсатларга қараб кетиш деб изоҳ берганлар. Сўзи ҳам, мақсади ҳам тамом бўлди.

Шунингдек, "Таҳрир ал-усул"нинг шарҳларида ҳам бу ёзилган.

Валлоҳу аълам би-с-саваб ва индаҳу Умм ал-Китоб!

Абдулҳай Лакнавий. Мажмуат ал-фатово. 1-жилд. – Лакнав: Юсуфий, 1907. – Б. 19-20.

Таржимон: Ҳамидуллоҳ Беруний.